

ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Файзуллаев М.А.

Қарши давлат университети доценти

Хужакулов С.У.

Қарши давлат университети магистранти

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон нефть-газ саноатини ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, мамлакат ёқилғи мустақиллигини таъминлашдаги ўрни, захираси катта ва фойдали конларни саноат эҳтиёжи учун ўзлаштириш имкониятлари, тармоқни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурлар, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳажмини ошириш кабилар баён қилинган.

Калит сўзлар

Нефть-газ саноати, углеводород хом ашёси, инвестиция, кўшма корхона, инфратузилма, синтетик ёқилғи, газ-кимё кластери.

THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE OIL AND GAS INDUSTRY OF UZBEKISTAN

Fayzullaev M.A.

Associate Professor of Karshi State University

Xujakulov S.U.

Master of Karshi State University

Annotation: In this article, the attraction of foreign investment for the development of the oil and gas industry of Uzbekistan, their effective use, the role of the country in ensuring fuel independence, opportunities for industrial

development of large and useful deposits, modernization, technical and technological re-equipment programs, import increase in the production of substitute products.

Keywords: Petroleum industry, hydrocarbons, investment, joint venture, infrastructure, synthetic fuel, gas-chemical cluster.

РОЛЬ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РАЗВИТИИ НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Файзуллаев М.А.

доцент Каршинского государственного университета

Худжакулов С.У.

Магистр Каршинского государственного университета

Аннотация: В данной статье привлечение иностранных инвестиций для развития нефтегазовой отрасли Узбекистана, их эффективное использование, роль страны в обеспечении топливной независимости, возможности промышленного освоения крупных и полезных месторождений, модернизация, техническое и программы технологического перевооружения, увеличение импорта в производстве продукции-заменителей.

Ключевые слова: Нефтяная промышленность, углеводороды, инвестиции, совместное предприятие, инфраструктура, синтетическое топливо, газохимический кластер.

Мамлакатга чет эл инвестицияларининг кириб келиши табиий ва меҳнат ресурсларининг арзонлигига ва бошқа шарт-шароитларга асосланади. Шунинг билан бирга иқтисодиётда янги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини таъминлаш орқали улар янги малака, технологиялар, “ноу-хау”, бошқарув тажрибаси, тежамкорлик маҳоратларини ва бошқа моддий ва номоддий бойликларни киритадилар. Чет эл инвестицияларининг мамлакат

иқтисодиётига жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштиради ва иқтисодий кудратининг ошишини таъминлашга хизмат қилади. Мамлакатнинг иш билан банд аҳолисининг 1 фоизига яқини фаолият юритадиган нефть ва газ саноати ялпи ички маҳсулот, бюджет даромадлари ва валюта тушумларининг асосий манбаларидан бири бўлиб, саноат ишлаб чиқариши ва инвестицияларни жалб қилиш таркибида муҳим рол ўйнайди. Нефть ва газ саноатининг бозор қонуниятлари асосида ривожланиши рақобат учун шароит яратади, бу эса ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, энг муҳими, истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишга нафақат маблағга, балки замонавий технологиялар ва тажрибага эга бўлган инвесторларни ҳам жалб этиш имконини беради.

Бир қатор чет эл компаниялари мамлакат нефть-газ тармоғида қўшма корхоналар ташкил этиш, янги қонларни қидириш, ишга тушириш ва биргаликда фойдаланиш, илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон шароитида амалга ошириш юзасидан ҳар икки томон учун манфаатли битимларни тузмокда. Масалан, “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясининг бевосита иштирокида амалга ошириладиган “Жануби-Ғарбий Ҳисор” лойиҳаси 2007 йил январда 36 йил муддатга имзоланди ва 2007 йил апрелда кучга кирди.

Россиянинг “Лукойл” компанияси 2008 йилнинг март ойида ушбу лойиҳага қўшилди. Контракт ҳудуддаги ишларни “Лукойл Ўзбекистон” операцион компанияси амалга оширади ва унда 800 га яқин одам меҳнат қилади ҳамда уларнинг 90 фоизини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Лойиҳа бўйича 2012 йилнинг январ ойи ҳолатига аниқланган захиралар 1,1 трлн. куб. фут газ ҳамда 15 млн. баррел нефть ва газ конденсатини ташкил этади. 2010 йилда 2D/3D сейсмоқидирув ва разведка қазииш ишлари натижасида Жануби-Шарқий Қизилбайроқ ва Шамолтегмас қонлари очилди. Ҳудуддаги йирик Жаркудук-Янги Қизилча қонида газ тўплаш пункти ишга

туширилди ва Жануби-Гарбий Ҳисорнинг контракт ҳудудида биринчи марта табиий газ олинди (бу пайтга қадар Жанубий Қизилбайроқ ва Қўшқудук конларида нефть қазиб олинган) [1]. Келгусида Одамтош ва Гумбулоқ йирик газ конларини ишга тушириш режалаштирилган.

Ҳозирги босқичда тармоқнинг асосий иқтисодий йўналишларидан бири углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва ундан қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш ҳисобланади. Бу борадаги лойиҳаларни амалга ошириш учун мамлакатимизга нефть ва газни қазиб чиқаришда етакчи қатор йирик чет эл компаниялари жалб этилмоқда. Россиянинг “Лукойл” нефть компанияси билан ҳамкорликда “Қандим-Хаузак-Шоди-Кўнғирот” маҳсулот тақсимоти битими доирасида бунёд этилган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси улардан биридир. Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси 2016-2018 йилларда қуриб ишга туширилди. Мажмуа ва инфратузилма объектларини барпо этишда 10 мингга яқин ишчи-мутахассис қатнашди. Корхона фойдаланишга топширилгач, 2 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратилди. Қандим газконденсат конлари гуруҳи негизида бунёд этилган мазкур саноат корхонаси Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигининг яққол намунасидир. Унинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 8,1 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлашга мўлжалланган. Мажмуа тўла қувват билан ишлаганда 212 минг тонна соф олтингугурт, 134 минг тонна барқарорлаштирилган газ конденсати олинади, тозаланган табиий газ экспортга йўналтирилади.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг бир далили сифатида Сурғил газ конини ўзлаштириш бўйича амалга оширилган ишларни келтириш мумкин. 2006 йилнинг 29 март куни Биринчи Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давомида “Ўзбекнефтгаз” ва Корея Газ Корпорацияси (KOGAS) ўртасида Сурғил нефть-газ конини комплекс ривожлантириш бўйича меморандум имзоланди. 2008 йил 8 май куни акцияларнинг УНГ ва КоГаз ўртасида 50/50

тақсимланиши асосида “Uz-Kor gaz chemical” қўшма корхонаси ташкил этилди. 2012 йил 13 октябрда Сурғил газ кони “Uz-Kor gaz chemical” қўшма корхонаси ихтиёрига ўтказилди ва иш бошланди [2].

Умумий қиймати 4 миллиард долларлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Қурилиши 2012 йилда бошланган Устюрт газ-кимё мажмуасида газни тақсимлайдиган, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги русумдаги ускуналар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис фаолият кўрсатмоқда [5].

Устюрт газ-кимё мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни синов тариқасида 2014 йилда бошланган эди. 2015 йилда 54,9 минг тоннадан зиёд суюлтирилган углеводород газни, 34 минг тоннадан ортиқ газ конденсати ишлаб чиқарилди. Магистрал газ қувурларига 1,8 миллиард куб метрдан ортиқ этан ва газ, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти энергия тизимида 87,5 минг мегаваттдан зиёд электр энергияси етказиб берилди. Айни пайтда пиролиз дистилляти Бухоро нефтни қайта ишлаш завоидига бензин тайёрлаш учун юборилмоқда. Полиэтилен ва полипропилен қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Шу кунга қадар қарийб 150 миллион долларлик 186 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ва полипропилен Марказий ва Шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларига жўнатилди [3,4].

Мамлакат иқтисодий қудратини оширишда энг катта инвестицион лойиҳа сифатида тан олинган “Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси газ-кимё саноати йўналишида дунёнинг илғор технологик ечимларини ўзида акс эттирган. Ушбу лойиҳа МДҲ доирасидаги энг йирик

мега-лойиҳалардан биридир. Бундай йирик мажмуа шу пайтгача жаҳонда фақат 4 та давлатда – Қатар (2 та), Нигерия, Жанубий Африка Республикаси ва Малайзияда барпо этилган. Заводда Япония, Корея, Сингапур, АҚШ, Германия, Италия, Буюк Британия, Россия, Хитой каби 24 та давлатдаги 130 га яқин етакчи корхоналарда ишлаб чиқарилган 10 мингдан зиёд ускуналар ўрнатилган.

2019 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шўртан ГКМ тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини молиялаштиришни ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. 2019 йил апрел ойида Инвестиция лойиҳаси ва “Шўртан газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш” инвестиция лойиҳасини бир-бирига боғлиқ тарзда амалга ошириш тушунчаси доирасида инфратузилмаси умумий бўлган ягона нефт-кимё кластерни яратиш шунингдек, хорижий кредитлар фоиз ставкалари ва суғурта мукофотларини камайтириш ҳисобига лойиҳа қиймати 3,73 миллиард АҚШ доллардан 3,61 миллиард АҚШ долларгача, яъни 121 миллион АҚШ доллариға оптималлаштирилган [6,7].

Лойиҳа “Ўзбекнефтегаз” компанияси таъсислигида амалга оширилиши мамлакатимизнинг ёқилғи энергетика хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, соҳанинг жадал суръатларда тараққий этиб бораётганидан далолат беради. Лойиҳа доирасида йилига 3,6 миллиард метр куб табиий газни қайта ишлаш орқали 1,5 миллион тонна юқори сифатли "Евро-5" талабларига жавоб берадиган синтетик ёқилғи ишлаб чиқарилади. Шундан 724 минг тоннаси дизель ёқилғиси, 307 минг тоннаси авиакеросин, 437 минг тоннаси нафта ва 53 минг тоннаси суюлтирилган газни ташкил этади. Ушбу маҳсулотлар ҳисобига, йилига 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади, 200 миллион долларлик экспорт ва 2 триллион сўмлик солиқ тушумлари таъминланади. Шу тариқа, Шўртанда республикадаги биринчи йирик газ-кимё кластерига асос солинади. Бу кластерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирги 290 миллион доллардан

2025-йилда 1,8 миллиард долларга етказилади, яъни, 6 баробарга ошади. Ушбу кластер тизимидаги корхоналар 1 долларлик хом ашёдан 10 долларлик юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар яратади. “Uzbekistan GTL” маҳсулотлари жаҳондаги энг юқори экологик талаблар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Бу ерда тайёрланадиган синтетик ёқилғи анъанавий ёқилғиларга нисбатан 40 фоиз кам чиқинди ва зарарли газ ҳосил қилади. Бунинг ҳисобидан, йилига 13 минг 500 тонна зарарли газларнинг ҳавога тарқалишига йўл қўйилмайди. Завод ишга тушганидан кейин жами 1 минг 300 та мутахассис юқори даромадли, доимий иш ўрнига эга бўлади [8]. Янги завод ишга туширилиши натижасида иқтисодиётнинг реал тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг асосий қисмини қондириш ва нефть импорти ҳажмини камайтириш орқали хорижий валюта сарфини тежашга эришилади.

2021 йил ишга туширилган “Uzbekistan GTL” негизидаги заводда нефть-кимё йўналишини ривожлантиришга кенг йўл очилди. Биринчи босқичда юқори қийматли хом ашё синтетик нафтани қайта ишлаб, янги турдаги полиэтилен ва полипропилен билан биргаликда пиролиз дистилятини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Пиролиз дистилятидан янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконияти ҳудудда технологик кластерни барпо этишга замин яратади, истиқболда кимё, автомобилсозлик, фармацевтика, қурилиш ва тўқимачилик соҳалари янада ривожланишида муҳим омил бўлади.

Углеводородлар захирасининг ўсишини янада барқарорлаштириш ва ошириш ҳамда узоқ истиқболга мўлжалланган ишончли хомашё базасини яратиш мақсадида “Ўзбекистон нефть-газ соҳасини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. Концепцияни амалга ошириш натижасида нефть захираларини 132,4 млн.тоннага, конденсатни 102,6 млн. тоннага ва табиий газни 2,393 трлн.кубометрга етказиш кутилмоқда. Бунинг

учун мамлакатда 2030 йилга қадар сейсморазведка, қидирув, разведка ва параметрик бурғулаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган [9].

Ўзбекистон нефть-газ тармоғини ривожланишида – углеводород хом ашёсини ўзлаштириш, қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар, тармоқни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурлар, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳажмини ошириш, дунёдаги етакчи нефть ва газ компаниялари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш каби омиллар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абидов А.А. Дунё нефтгазли худудлари ва акваториялари. – Т.: “Шарқ”, 2009, 38-бет.
2. Имомов Х.Х. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2010. 122-бет.
3. Назаров У.С., Махмудов Ф.М., Игамбердиева Л.З., К стратегии инновационной деятельности при разработке месторождений нефти Узбекистана. Ўзбекистон “Нефт ва газ” журнали 2013, май. с. 133-134
4. Султонмуродова Д. Иқтисодиётни модернизациялаш: иқтисодий мазмуни, зарурлиги ва амалга ошириш шарт-шароитлари. - “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали, 2012,1-сон, 5-бет
5. Султонов Ш.А., Навотова Д.И. Ўзбекистон нефт-газ саноати ривожланишининг географик хусусиятлари // Географиянинг минтақавий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси. – Жиззах: ЖДПИ, 2017. – Б. 138-139.
6. <http://www.uza.uz/oz/politics/inson-manfaatlarini-taminlash-khal-imiz-turmush-farovonligin-25-02-2017...>
7. <https://sputniknews-uz.com/economy/20160523/2868110.html>
8. <https://www.uzgtl.com/about>
9. <https://xabardor.uz/uz/post/uzbekistan-gtl-zavodi-ishga-tushirildi-yana-bir-korxonaga-tamal-toshi-qoyildi>